

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШДА ДАВЛАТНИНГ РЎЛИ

Ғаппарова Севара Хикматулла қизи

Қорақалпоқ давлат университети талабаси

Аннотация: Ушбу мақолада кўриб чиқиладиган асосий масала коррупциянинг мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодий ўсиш жараёнида асосий тўсиқ бўлишига қаратилган. Бундан ташқари коррупция ўзи нима эканлиги, уни келтириб чиқараётган омиллар ва коррупцияга қарши курашда дунё тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда, уларга самарали ечимлар тўғрисида маълумот берилган.

Калит сўзлар: коррупция, коррупсион ҳатти-ҳаракатлар, коррупциянинг тури, коррупцияни тарқатган омиллар, рақамлаштирилган технология, маъсулиятли матбуот, иш ҳақи даражаси, институционал назорат.

Коррупцияга ёрдам берадиган кўплаб омиллар мавжуд. Бу омиллар иқтисодиёти бой мамлакатларга қараганда, иқтисодиёти камбағал мамлакатларда учрайди. Шундай қилиб, бир вақтнинг ўзида иқтисодий ривожланиш мамлакатнинг коррупция даражасини пасайтиради. Айрим иқтисодий бой давлатлар (Сингапур, Гонгконг, Португалия) коррупция ҳолатларини камайтиришга муваффақ бўлди. Иқтисодчи Линбек таъкидлаганидек, ҳукуматлар коррупцияга нисбатан фаталист ва пассив бўлмаслиги керак. Яхши йўналтирилган ва қатъий саъй – ҳаракатлар билан коррупцияни нолга туширмаса ҳам камайтириш мумкин. Коррупцияни нолга туширишга уриниш унга кетадиган русурслар билан жуда қимматга тушади. Масалан, бу давлат сектори ҳаддан ташқари юқори иш ҳақини талаб қилиши мумкин ёки йирик ҳуқуқий, ташкилий ўзгаришлар, фуқаролик ҳуқуқларини чеклаш, жуда қаттиқ самарали жазоларни қўллаш ва бошқалар. Шундай қилиб, бу даража барча мамлакатларда нолдан юқори бўлиб қолади деб ўйлаш ҳақиқатга яқин. Аслида ҳеч бир давлат коррупциядан ҳоли ва индексида мукаммал ўн баллга эга эмас.

Коррупция мураккаб ҳодиса бўлиб, деярли ҳеч қачон битта сабаб билан изоҳланмайди. Уларга таъсир қилувчи омиллардан баъзиларини бошқаларига қараганда осонроқ ўзгартириш мумкин. Бу ҳодисанинг мураккаблиги туфайли коррупцияга қарши кураш кўплаб жабхаларда олиб борилиши керак. Бу бир неча ой ёки ҳатто бир йил ичида ғалаба қозониб бўлмайдиган кураш. Йўл қўйилиши мумкин бўлган энг катта хато – бу давлат сектори ҳодимларининг маошларини ошириш каби ягона соҳадаги ҳаракатларга ҳаддан ташқари боғлиқ бўлган стратегияга таяниш яъни жарималарни ошириш, коррупцияга қарши кураш идораларини ташкил этиш ва ҳоказолар.

Жамиятнинг коррупцияга бўлган қизиқиши ва ташвишининг ортиши ушбу мавзу бўйича кўплаб илмий тадқиқотларга олиб келди. Тан олиш керакки, бу борадаги маълумотлар ва билимларнинг ҳозирги ҳолатида ҳали ҳам бўшлиқ мавжуд ва ҳал қилинадиган ишлар кўп. Лукин ҳозиргача олиб борилган назарий ва эмпирик тадқиқотлар муаммога янги тушунчалар берди. Энди биз коррупциянинг асосий сабабларини аниқроқ тушунамиз ва унга қарши курашиш бўйича мустақил таклифларимизни бера оламиз.

Коррупцияга қарши курашнинг янги воситаларидан бири бу рақамлаштирилган технология ҳисобланади. Янги технологияларнинг юксалиши хусусан, суъий интеллект ва компьютерларни ўрганилиши келажакка умид боғлаш асос беради. Натижада яқин йиллар ичида инсонларнинг янада интернетга кириш-чиқиш, маълумот алмашиш, бир-бири билан бир зумда боғланиш ва бошқа кўплаб ижтимоий ҳаракатларни амалга ошириш имкониятлари кенгаяди. Мутахассислар ҳам коррупцияга қарши курашнинг асосий имкониятлари сифатида онлайн фаолликнинг ўсиши, компьютердан фойдаланишни ўрганиши ва онлайн платформалар мавжудлиги ҳукуматларнинг шаффофлигини оширишни таъкидламоқда. Уларнинг фикрича, агар коррупцияга қарши курашувчилар технологиялардан коррупцион мақсадларда фойдаланадиганларга қараганда самаралироқ фойдаланишга муваффақ бўлишса, бу ижобий ўзгаришларни қўллаб қувватлаш учун энг катта имкониятлардан бири бўлиши мумкин. Масалан, ишга қабул қилиш жараёнини олиб қарайдиган бўлсак, иш сўраб келган фуқарога унинг ташқи кўриниши, таниш – билишлари кимлиги ёки шунга ўхшаш кераксиз коррупцияга заррача бўлса-да олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлардан узоқлаштириш воситаси ҳисобланди. Рақамлаштириш технологияси орқали керакли билим ва тажрибага эга ходим ёки кадр ўз билимини синовдан ўтказиш орқали ишга қабул қилиниши мумкин.

Раҳбарлик: уйни тозалаш ва таъмирлашни томни тузатишдан бошлаш яхши фикрдир. Шу сабабли, коррупцияга қарши курашда мамлакат раҳбарияти муҳим рўл ўйнаши керак. Осиё анъаналарида раҳбарлар ва юксак обрўга эга бўлганларни ҳурмат қилиш муҳимдир. Демак, олий раҳбарият ҳалоллик, фидокорлик ва меҳнатсеварлик борасида яхши ўрнак бўлиши керак. Бундай бошқарув аппаратининг асосий вазифаси ўз ходимларининг этикет қоидаларига риоя қилинишини назорат қилишдан иборатдир.

Ишончлилик: Яхши даромад олиш мақсадида коррупцион битим тузишни талаб ва таклиф қилаётган ҳуқуқбузарлар ҳукумат коррупцияга қарши жиддий курашаётганига ишонч ҳосил қилишлари керак. Шу мақсадда таклифлардан бири “катта балиқни қовуриш”, яъни мамлакатдаги баъзи таниқли коррупционерларни омма олдида суд қилиш ва жазолашдир. Тўғри Осиёнинг бир канча мамлакатларида коррупцияда айбланиб, муҳим амалдорлар ва бизнесменлар устидан суд жараёнлари бўлиб ўтди. Бироқ, коррупция ҳақидаги даъволар кўпинча сиёсий

рақибларни обрўсизлантириш учун қўлланилганлиги сабабли, “қовурилган балиқ” ўзингизнинг ҳовузингиздан бўлиши лозим.

Сайлов тизими орқали курашиш – демократик давлатларда сайланган вакилларни коррупция учун жазолашнинг асосий усулларидан бири кейинги сайловларда унга овоз бермасликдир. Бу шахс ўз қилмишининг ижтимоий ҳавfli эканлигини англаб етишига муҳим омил бўлиб, коррупцияга қарши курашдаги энг самарали усуллардан бири ҳисобланади.

Одамларни жалб қилиш: Коррупциянинг салбий оқибатлари ҳақидаги ҳабардорликни ошириш учун аниқ ҳамда тушунарли расмий баёнотларнинг реклама қилиниши фойдали бўлади. Оддий фуқаролар коррупция бўйича кўп тажрибага эга бўлиб, коррупцияга қарши курашни мувафақиятли бошлаш учун уларнинг ёрдами ва ҳамкорлигига мурожаат қилиш керак. Одамлар коррупцияга қарши ҳолисона ва чинакам саъй-ҳаракатлар олиб борилаётганига амин бўлгач, ишочим комил улар бунга жавоб қайтарадилар ва муаммони ҳал қилишда тўлиқ ҳамкорликни кенгайтирадилар. Кичик бўлса-да уларга ўз фикларини билдириш учун имконият яратилса, ҳар кимнинг тасаввурига ҳам сиғмайдиган маълумотлар, ғоялар ва таклифлар пайдо бўлади. Яна бу ердаги энг устувор вазифа – ёшлардир. Айниқса, таълим тизимида таҳсил олаётган ёшларнинг онгида толерантликни уйғотиш муаммоси турибди. “Жамиятда пораҳўрлик иллатини енгиб бўлмайди”, деган фикр ёшлар онгида шаклланиб қолган бўлиб, ҳатто уларнинг ўзлари ҳам келажакда “мен ҳам пора оламан” деган сўзларин айтишдан ҳеч ҳам уялмаётгани ва кўрқмаётганинг гувоҳимиз. Бу ҳолатда зудлик билан коррупцияга қарши чораларнинг ишлаб чиқиши ва оммага тақдим этилиши лозимдир. Инсонларда аввало шундай дунёқараш бўлиши керакки, коррупция деган оддий ҳолатни эмас, балки жиддий кўрқув шаклланиши лозим. Бунини уларнинг онгига оилада, боғчада, мактабда нафақат тамагирлик, пораҳўрлик ёмон иллат дебгина эмас, унинг жамиятимиз таназзули, иқтисодиётимиз орқага кетиши сабаби эканлиги ҳақида кўпроқ тарғибот ва ташвиқотларни ошириш лозим.

Масъулиятли матбуот: Ахборотни тўплаш, тартибга солиш, тақдим этиш ва тарқатиш учун масъулиятли матбуот кенг жамоатчилик ҳабардорлигини ошириш ва коррупцияни енгилш учун ислохотларни амалга оширишда жадалликни таъминлайди. Масъулиятли матбуот кўплаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда ноқонуний хатти – ҳаракатларни фош қилишда, шунингдек, коррупцияни чеклаш ва унинг қўлдан чиқиб кетишининг олдини олишда қўриқчи бўлиб хизмат қилишда муҳим рўл ўйнайди. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, жиноятчилар “кирдикор”ларини фош этишга уриниб, мустақил сурриштирув олиб борадиган фидойи журналистлар ҳимояси ишлатилиши лозим, лекин бу ҳолат афсуски, бизнинг юртимизда мавжуд эмас. Бундан ачинарлиси, ҳозирги кунда бирон-бир раҳбарнинг яширин бойлик оттиришини иботлайдиган мақола матбуотда чоп қилинса-да, унга

қатъий чора кўрилмайди ва аҳвол ўша ҳолича қолиб кетади. Масалан, бир вақтлар раҳбар ҳақида флейтон чиқса, у партиядан ўчирилар, қамалар, шунинг учун аамалдорлар “тўртинчи ҳокимимият” дан ҳайиқиб қолган эди. Ҳеч қачон танқидсиз тараққиёт бўлмаслигини фуқаролар онгига сингдиришда матбуот хизматининг ўрни каттадир.

Назорат қилувчи органлар: Коррупцияга қарши курашувчи органларнинг самарадорлиги юқори бўлган давлатлар мавжуд. Масалан, Хитойнинг Гонгконгдаги Коррупцияга қарши мустақил коммисияси, Ботсвана, Чили, Малайзия ва Сингапурдаги шунга ўхшаш муассасаларини келтириш мумкин. Бироқ, юртимиз мисолида ҳам олиб қарайдиган бўлсак, фуқаролар бу каби органларнинг фаолиятдан кўнгли тўлмаяпти. Бундай органлар самарали фаолият юритиши учун улар раҳбарлари ҳалол бўладиган, давлат хизматчилари сиёсий аралашувлардан ҳимояланган ва коррупцияга чек қўядиган яхши рағбатлантирувчи сиёсий муҳитда яратилиши керак. Акс ҳолда, коррупцияга қарши курашувчи органлар фойдасиз ва ундан ҳам ёмонроқ бўлиб қолади.

Ҳозирги кунда дунёнинг деярли барча мамлакатлар БМТ нинг Коррупцияга қарши кураш ковенциясига (UNCUC) киради. Бир неча ўн йиллар аввалгидан ўлароқ, ҳозир ҳамма коррупцияга қарши кураш йўлига киришни хоҳлайди. Бутун дунё сиёсатчилари коррупцияга чек қўйиш ваъдаси асосида сайловолди ташвиқотини олиб бормоқда ва ғалаба қозонмоқда. Бу сиёсатчилар сайлангандан кейин коррупцияга қарши курашадими, бу бошқа гап. Аммо бутун дунё бўйлаб одамларнинг коррупция ва унинг салбий оқибатларидан хабардор бўлиши коррупцияга қарши курашувчилар учун бу фавқулотда ғалаба бўлиб қолмоқда. Бундан ташқари асосий ижтимоий ўзгаришларни талаб қилувчилар бу – ёшлардир. Дунё бўйича ёшларни энг ташвишлантираётган нарсага назар ташлайдиган бўлсак, коррупция асосий ўринни эгаллайди. Жаҳон Иқтисодий Форуми томонидан ўтказилган сўров натижаларига кўра, дунё бўйлаб ёшларнинг 47% коррупция ва ҳукумат масъулиятсизлигини ўз мамлакатларига таъсир қилувчи энг жиддий муаммо деб билади. Шу тўғрисида “бугунги жонли ёшлар” коррупцияга қарши курашдан умидвор бўлишнинг асосий сабабидир.

Коррупция муаммоси бўйича ҳозирги муҳокама ва давом этаётган мунозалардан келиб чиққан фойдали хулоса шундан иборатки, коррупция мамлакатдаги чуқур илдиз отган ва фундаментал иқтисодий, сиёсий ва институционал заифликлар ва камчиликларнинг аломатидир. Ҳар бир фуқаро коррупциянинг ўзи нима эканлигини, унинг оқибатлари ва унга қўлланиладиган жазо чораларини тўғри англаб етиш лозим. Мамлакатда ўрнатилган маълум бир қонун-қоидаларларнинг амалиётга тўғри тадбиқ қилиниши келиб чиқадиган тартибсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олади. Бу ҳолатни барчамизга маълум бўлган футбол ўйини мисолида кўриб чиқишимиз ҳам мумкин. Футбол ўйини мусобақаларида

қатнашиш ва фаолиятининг тартибли давом этиши учун муайян “конун-қоидалар” га жумладан, ҳалокатли можароларнинг олдини олиш, очкўзлик, йиртқичлик ва бошқа нохуш инсон инстинкларини назорат қилиш, ижтимоий номақбул оқибатларни минималлаштириш ва умумун ўйинчила ҳамда ҳакамлар маълум маънавий хулқ - атвор стандартларига риоя қилишларини таъминлаш мақсадида талаб қилинади. Табиийки, қоидалар тўғри бажарилиши учун улар шаффоф бўлиши керак, яъни ўйин иштирокчилари томонидан тушунилиши ва уларга бўйсунлиши учун аниқ белгиланиши ва барча манфаатдорларга олдиндан маълум қилиниши лозим. Агар ўйинчилар қандай қоидабузарлик бўлиб, уни жазоланишини аниқ билмаса ёки ҳакам қачон ҳуштак чалиши кераклигини билмаса, ўйин тартибли давом эта олмайди. Аниқ бўлишдан ташқари, қоидалар барча ўйинчиларга нисбатан холис тарзда қўлланилиши, изчил бўлиши ва тез-тез ўзбошимчалик билан ўзгартирилмаслиги керак. Шубҳасиз, агар ўйин давом этар экан, қоидалар ўзгариб турса ва ҳакам ҳоҳлаган вақтда ҳуштак чалиб турса, ўйин ўйнаб бўлмайдиган ҳолга келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Mirziyoev SH.M. Milliy taraqqiyot yo‘limizni qat’iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko‘taramiz. – Toshkent: “O‘zbekiston” NMIU, 2017. – 52 b.
2. Mirziyoev Sh.M. Tanqidiy tahlil, qat’iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo‘lishi kerak. – T.: O‘zbekiston, 2017. – 104 b.
3. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi [Elektron manba]. URL: <https://lex.uz/docs/20596>
4. Konvensiya Organizatsii Ob‘edinennыx Natsiy protiv korrupsii (Prinyata rezolyusiyey 58/4 Generalnoy Assamblei ot 31 oktabrya 2003 goda) // [Elektronnyy resurs]. URL: https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/corruption.html
5. Criminal Code of the Kingdom of Belgium (1867, as of 2018) (French version) // [Electronic resource] URL: https://www.legislationline.org/download/id/8240/file/Belgium_CC_1867_am2018_fr.pdf
6. Criminal Code of the Kingdom of Spain (1995, as of 2013) (English version) // [Electronic resource] URL: https://www.legislationline.org/download/id/6443/file/Spain_CC_am2013_en.pdf
7. Asia – Pacific Development journal. Vol.7, No. 2, December 2000